



THE ROLE OF AFGHANISTAN IN MODERN INTERNATIONAL RELATIONS

Mutalib Kasimov

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: abdusalom1959@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Afghanistan, factor, research, international relations, politics, military operations, Taliban movement, diplomacy, situation, neighboring countries.

Received: 31.01.23

Accepted: 02.02.23

Published: 04.02.23

Abstract: This article analyzes the opinions of expert researchers regarding the role of the Afghan factor in modern interstate relations, in particular the influence of this factor on relations between the United States and Pakistan and on other countries, especially countries neighboring Afghanistan.

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА АФҒОНИСТОННИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Муталиб Касимов

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: abdusalom1959@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Афғонистон, омил, тадқиқот, халқаро муносабатлар сиёсат, ҳарбий ҳаракатлар, “Толибон” ҳаракати, дипломатия, вазият, қўшни мамлакатлар.

Аннотация: Ушбу мақолада Афғонистон омилнинг бугунги давлатлараро муносабатларда тутган ўрни, хусусан бу омилнинг АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларга ҳамда бошқа мамлакатлар ва айниқса Афғонистонга қўшни бўлган мамлакатларга ўтказиши мумкин бўлган таъсири борасида мутахассис-тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари таҳлил қилинган.

РОЛЬ АФГАНИСТАНА В СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ**Муталиб Касымов**

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: abdusalom1959@mail.ru**О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Афганистан, фактор, исследование, международные отношения, политика, военные действия, движение «Талибан», дипломатия, ситуация, соседние страны.	Аннотация: В данной статье анализируются мнения экспертов-исследователей относительно роли афганского фактора в современных межгосударственных отношениях, в частности влияние этого фактора на отношения между США и Пакистаном и на другие страны, особенно страны, соседствующие с Афганистаном.
--	--

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Афғонистон муаммоси ҳақида 2021 йилнинг 30 июн – ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда эса Афғонистондаги бугунги вазият ҳақида сўз юритиб: “Афғонистондаги аҳвол мураккаблашиб бормоқда... ..Шу боис, хушёрлик ва огоҳликни ошириш ҳар қандай таҳдидларга муносиб жавоб беришга тайёр бўлиб яшаш ҳаётнинг ўткир заруратига айланмоқда,” эканлигини кўрсатиб ўтган эди.

Афғонистондаги вазиятнинг кундан кунга салбий томонга ўзгаришининг асосий сабабларидан бири – 2021 йилда АҚШ қўшинлари бу мамлакатни тарк этиб, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида террорчилик ташкилоти сифатида эътироф этилган “Толибон” ҳаракатининг қўлига ўтганлигидир. Эндиликда Марказий Осиёдаги қуролли тўқнашувлар ва давлат тўнтаришларининг рамзига айланиб улгурган Афғонистоннинг ушбу муносабатларда тутган ўрни жаҳондаги илмий-тадқиқот марказларининг доимий эътибор марказида бўлишига олиб келди ҳамда ҳамла Ўзбекистонда ҳам маълум сабабларга кўра Афғонистонга таъсир ўтказувчи мамлакатлар ташқи сиёсатининг барча масалалари чуқур ўрганиш объектига айланиб бормоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Капитализм, социализм, феодализм сингари жамиятларга ажратилган олам тушунчаси ниҳоясига етганидан сўнг вужудга келган халқаро тизим кўп жиҳатдан мисли кўрилмаган, бугунги куни, келажаги мавҳум бўлиб қолган тузилмага айланди.

Таъсир доирасини кенгайтириш учун буюк давлатлар ўртасидаги зиддиятларга ўхшаш турли халқаро жараёнларни одатдагидек, анъанавий тарзда изоҳлашлар иш бермай

қолди, иш берганда ҳам кўпдан кўп кўшимча фаразларни келтиришни тақозо этмоқда. Эндиликда фақат буюк давлатлар эмас, улар ўртасидаги кучлар нисбати ҳам ўзгарди, илгари айнан шу нарсалар халқаро тизимдаги ўзгаришларнинг асосий кўрсаткичи эди, бугунги кунда жаҳон сиёсатининг асосий тамойиллари ўзгарди.

Халқаро муносабатларнинг икки кутбли тизими олдинги тасаввурларга сиғмай қолди. Мазкур тизим эндиликда деярли барча давлатлар учун янгича ўйин қоидаларини белгилаб бермоқда. Бу қоидалар ичида энг муҳими ушбу янги тизим миллий хавфсизлик учун вужудга келтираётган таҳдидлардир. Бундай таҳдидлар жумласига жаҳондаги кучларнинг номақбул нисбати киради, бу нисбат сиёсий мавқеларни заифлаштириб юборади, иқтисодий ривожланишга путур етказди, иқтисодий ривожланишнинг заифлашуви эса технология соҳасида қоқоқликка, сиёсий имкониятларнинг торайишига олиб келади, бунинг оқибатида турли кўринишлардаги ижтимоий ҳамда демографик муаммолар пайдо бўлади.

Афғонистондаги замонавий аҳволнинг сиёсий таҳлилига киришдан олдин ушбу мамлакатда 2000 йилларнинг охирига келиб пайдо бўлган янги сиёсий тизим пайдо бўлишининг сабабларига кўз ташлаб ўтиш лозим бўлади. Чунки айнан шу даврга келиб АҚШ ва Покистоннинг Афғонистонга нисбатан тутган муносабати фаоллаша бошлаган эди. Шўро кўшинларининг чекланган қисми 1989 йил 15 февралда Афғонистонни тарк этганидан сўнг, мамлакат ташқаридан турли кучларнинг (СССР - АҚШ) бу ҳудудда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун пинхона, мамлакат ичида эса “Шимолий Альянс” ва “Толибон” ҳаракатининг ҳукумат тепасига келиш учун ошқора қуролли тўқнашувлари майдонига айланди. Умуман олганда, шу даврдан бошлаб “Толибон” фақат ўз мавқеини мустаҳкамлаб боришида АҚШнинг бевосита кўмагидан фойдаланиши “Толибон” ҳаракатига мамлакатдаги фуқаролар урушида кўли баланд келишига имкон яратганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда “Толибон” ҳаракатининг ичидаги сиёсий жараён эса Кандаҳор шаҳрида мунтазам истиқомат қилган Мулла Умар тарафдорлари ва мамлакатдаги ижроия ҳокимиятини амалга ошириб турган Кобулдаги Афғон ислом амирлиги ҳокимияти ўртасидаги кураш билан белгиланган.

Афғонистоннинг халқаро муносабатлар замонавий тизимидаги ўрни унинг узок йиллар давомида ҳомийси ва таъминотчиси бўлиб келган АҚШ ҳамда Афғонистон билан 2670 км умумий чегарага эга бўлган Покистон ўртасидаги муносабатлар билан белгиланади. Мана ярим асрдирки, Афғонистоннинг аҳволи айнан шу давлатларнинг таъсири остида кечмоқда.

Аммо бу давр тинч, осойишта иқтисодий ҳамкорликда эмас балки мунтазам ички тўқнашувлар, ҳокимият учун кураш шароитида кечмоқда. Шулар оқибатида Афғонистон

Ўзинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жаҳондаги бошқа давлатлардан анча орқада қолган ҳамда ички ишларга аралашувсиз бошқа ривожланган мамлакатлар томонидан кўрсатиладиган жиддий иқтисодий, молиявий, маданий ва ҳарбий ёрдамга мухтождир. Гарчи 2021 йилда АҚШ қўшинлари Афғонистонни тарк этиб, мамлакат ичидаги муҳолиф куч бўлган “Толибон” давлат тепасига келган бўлсада, бу хали Афғонистонда узил кесил тинчлик қарор топди деган маънони англатмайди. Афғонистоннинг келажакдаги ривожланишида хорижий давлатлар (ХХР, РФ, АҚШ) томонидан навбатдаги ҳарбий аралашувларнинг олдини олиш, ички зиддиятларни бартараф этиш, иқтисодиётни янгилаш, фойдалари қазилмалар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, аҳолининг билим ва маданий савиясини юксалтириш сингари муаммоларни ҳал қилишга тўғри келиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Афғонистон билан чегарадош бўлган барча мамлакатлар шу жумладан, Ўзбекистон нафақат иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун эмас, балки террорчилик ҳамда айирмачилик ҳаракатларидан, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишидан ўзини ҳимоя қилиш, шунингдек, ушбу мамлакатда ҳамда ҳудудда ўзининг сиёсий таъсирини мустаҳкамлаш учун у билан ўзаро ҳаракатларни яхши йўлга қўйишга интиломда.

Афғонистон омилининг бугунги кунда АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларига келганда эса, ушбу масала 2020 йиллардан бошлаб яна долзарб мавзуга айланиб бормоқда ҳамда дунёдаги кўплаб таҳлилчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда, бунинг сабаби эса, ҳам Покистоннинг Марказий Осиёдаги давлатлар учун тутган стратегик мавқега эгаллиги, ҳам Америка ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг беқарорлигидир. Аммо бу икки давлат ўртасидаги оддий бўлмаган муносабатларга қарамадан уларнинг олий мақомдаги ҳамда вазирликлар даражасидаги муносабатлари ҳеч қачон тўхтаган эмас.

Давлатлараро муносабатларнинг издан чиқиши улар билан ҳамкорлик қилаётган учинчи давлатдаги (Афғонистондаги) вазиятга ҳам бевосита таъсир ўтказган ҳолда мазкур давлатдаги аҳвол унинг бевосита қўшнилари бўлган Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистонга ҳам таъсирини кузатиб бориш ва илмий таҳлилдан ўтказиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Халқаро майдонда Афғонистон омилининг Ўзбекистонга таъсир этиш даражасини ўрганиш учун ҳам яна АҚШнинг ва Покистоннинг ҳозирги Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатининг генезисига назар ташлашга тўғри келади.

Афғонистоннинг сўнгги 25 йиллар ичида жаҳондаги ўрни Америка ва Покистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларини таҳлил қилиш учун “Толибон” ҳаракатининг фаолиятига қисқача назар ташлаш зарур. Чунки юқоридаги икки давлатнинг ўзаро муносабатлари айнан шу ҳаракат фаолияти (сиёсати) билан бевосита боғлиқ дейилса

тўғрироқ

бўлади.

Толибон

1998 йилда мамлакатнинг марказий ва шимолий вилоятлари устидан тўла назорат ўрнатди. 1999 йилнинг бошларига келиб “Толибон” Афғонистон ҳудудининг деярли 80%ни, шу жумладан асосан ўзбеклар ва хазорий миллатига мансуб аҳоли эгаллаган ҳудудлар устидан назорат ўрнатади. Аслида “Толибон” ҳаракати 1994 йилда ташкил этилган. Ҳаракатнинг асосчиси Мулла Умар бўлиб, у 2013 йилгача (ўлимига қадар) толиблар етакчиси бўлган.

Толибоннинг “юзи”га айланган Абдул Ғани Бародар 1968 йилда Афғонистон марказидаги Урузғон вилоятида таваллуд топган. У Қандаҳорда ўсган ва шўро кўшинлари Афғонистонга бостириб киргандан кейин уларга қарши жангларда қатнашган. Тахминларга кўра, айнан ўша пайтда Бародар мулла Умар билан танишган. СССР кўшинларини Афғонистондан олиб чиққанидан сўнг, Бародар Умар билан биргаликда Қандаҳорда мадраса очган ва кейинчалик асосчиларидан бирига айланган.

“Толибон” Афғонистонда мағлуб бўлганидан сўнг, Бародар Покистонга қочиб кетган. Уни АҚШ кўмагида ҳокимиятга келган Афғонистон президенти Ҳамид Карзай билан мурося тарафдори деб ҳисобланади. Аммо 2009 йилда Бародар Американинг “Newsweek” журналига берган интервьюсида америкаликлар Афғонистондан чиқиб кетмагунча, “Толибон” қуролларини ташламаслигини баён қилган.

Бугунги кунда, айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, 2001 йилдан кейин Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун халқаро кучларнинг жалб қилиниши билан ушбу давлат кўшни мамлакат барқарорлигидан манфаатдор бўлган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги тарихий алоқаларни тиклаш учун муҳим майдонга айланди. Шу нуқтаи назардан, илгари Евроосиё минтақаларини ажратиб турувчи буфер ҳудуди бўлиб хизмат қилган Афғонистон босқичма-босқич равишда Марказий ва Жанубий Осиёни бирлаштирадиган янги макроминтақанинг марказига айланишга интиломда.

Афғонистон бўйича мутахассислардан бўлган сиёсатшунос Камолитдин Раббимов ва афғоншунос Сухроб Бўроновларнинг фикрларига кўра: “2001 йилда АҚШ ва НАТО коалицияси Афғонистонга кираркан, бу ердаги иқтисодий ва ижтимоий вазият тўлиқ Ғарб коалицияси зиммасига юкланганди. Бу жараён 2021 йилга қадар давом этди. Афғонистон иқтисодиётига ҳар йили бир неча ўн миллиардлаб сармоя киритиш – Ғарбнинг Афғонистонда давлатчилик шакллантириш бўйича стратегиясининг асоси эди. Ўтган йили Афғонистонда ҳокимиятга толибларнинг келиши бу жараённи тўхтатди. Яъни Афғонистон шу пайтгача ичкаридан ишлаб чиқарувчи, рақобатбардош иқтисодий тизим ярата олмаганди.

Ҳокимиятга келиши арафасида толибларга АҚШ томонидан анча жиддий ва оқилона шартлар қўйилган. Ҳали ҳам музокаралар давом этмокда. Ҳозир эса ташқи дунёнинг

Афғонистонга бериб келинган ёрдамлари тўхтатилиши оқибатида ўта оғир ижтимоий-иқтисодий инқироз юзага келди.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг бор эътибори Украинага қаратилгани туфайли Афғонистонга эътибор пасайиб кетди. Лекин бу дегани Афғонистондаги инқироз ўз ечимини топяпти дегани эмас”.

Афғонистонда ҳозирги вақтда юзага келган аҳвол хорижий тадқиқотчилар эътиборини АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатларни ўрганишга жалб қилмоқда. Ушбу масала икки мамлакатнинг давлат арбоблари томонидан мунтазам муҳокама қилинмоқда. АҚШ президентининг ўзгариш ва Вашингтоннинг 2011 йил 11 сентябрига қадар Афғонистондан қўшинларни олиб чиқиб кетиш борасидаги баёни Афғонистондаги вазиятга янгича тус бера бошлади. Покистон ташқи ишлар вазири Ш.Қурайшининг баёноти ҳам юқоридаги давлатлар ўртасидаги муносабатларга айрим мавҳумликларни киритди. Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида америка қўшинларининг Афғонистондан ўз мамлакати ҳудудига кўчирилишини у бутунлай мустасно этди.

Айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Исломободнинг толибларга ёрдам кўрсатишининг ўз сабаблари мавжуд, чунки у шу усул билан ўзининг бош рақиби бўлган Ҳиндистонга қарши “стратегик маконни” сақлаб қолишга уринмоқда. “Стратегик макон” борасидаги Покистоннинг ҳарбий доктринаси Афғонистонни ўз мижозига айлантириш ёки Покистон хавфсизлик хизматларига қарам бўлган давлатга айлантиришни назарда тутди. Бошқача сўзлар билан айтганда Покистон жангарилардан Кобулга Ҳиндистон билан ҳамкорликни чеклаш учун фойдаланишга ҳамда Исломобод ўзининг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим бўлиб кўринган шартларни қабул қилишга мажбурлашдан иборатдир.

Шунга қарамасдан, сўнгги вақтларда Хитой Покистонга киритаётган улкан инвестициялар туфайли Покистоннинг Америка ёрдамига қарамлиги анча камайганлигини, шунингдек Қўшма Штатлар Трамп даврида Покистон ҳудудидан Афғонистондаги ўз логистик ҳаракатлари учун фойдаланиб келганини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳаракатларни Покистонга тобе қилиб қўйди. Бунинг натижасида ўша даврдаги АҚШ маъмурияти Покистоннинг олий мақом ҳарбийлари ҳамда Покистон разведка хизматларига нисбатан жазо чораларини қўллаши, берилаётган ёрдамни кесиб қўйиши, хатто Покистон ўз манфаатларини ҳимоя қилишда давом этган тақдирда ҳам уни “террорчилик ҳомиялари” жумласидан бўлган мамлакатлар рўйхатига тиркаш эҳтимоли камроқ бўлиб қолган эди.

АҚШга раҳбарлик қилиш Жо Байден маъмурияти қўлига ўтгач, НАТО Афғонистонга нисбатан ўз стратегиясини ўзгартира бошлагани сезилди. Бу Марказий Осиёдаги

республикалар учун хатарми, имкониятми ва бу ерда Покистон эгаллаган мавқе қандай бўлади қабилидаги саволлар пайдо бўлмоқда.

2021 йилнинг 14 апрелида АҚШ президенти Жо Байден Афғонистондан қўшинларни 11 сентябргача олиб чиқиб кетишини эълон қилгач, “Толибон” гуруҳи ҳарбий ҳаракатларни фаоллаштирди. Бу эса 15 август куни Афғонистон президенти Ашраф Ғанининг истеъфо бериши ҳамда Кобулнинг “Толибон” назоратига ўтишига олиб келди.

Афғонистондан АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари қўшинларининг чиқиб кетиши натижасида “Толибон” ҳокимиятга келди. Афғонистон тўла забт этилиши оқибатида Марказий Осиё мамлакатларига бир қанча янги таҳдидлар пайдо бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Афғонистон борасида янги Ўзбекистон стратегиясига келадиган бўлсак, 2021 йилнинг 15-16 июл кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра Тошкентда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзуида олий мақомдаги анжуман ташкил этилди.

Шу аснода Шавкат Мирзиёев ўз ташаббусида афғон масаласига мутлақо бошқача нуқтаи назардан қарашни таклиф қилмоқда, яъни Афғонистоннинг ана шу географик ҳолатини унинг геосиёсий ва геоиқтисодий устунлигига айлантириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, афғон можаросини имкон борича тезроқ ҳал қилиш вазифасини кўяди.

Агар ушбу мақсадга эришилса, афғон диёри ҳаммага хавф-хатар туғдирадиган ҳудуд деган мудҳиш мақомдан қутулиб, Марказий ва Жанубий Осиё субминтақаларини бири-бирига чамбарчас боғлайдиган, улар ўртасидаги узвийликни таъминлайдиган муҳим кўприкка айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://qalampir.uz/news/mirziyeev-afgonistondagi-murakkab-vaziyat-%D2%B3ak-ida-fikr-bildirdi-41768>
2. Барановский В. Г. Основные параметры современной системы международных отношений (Часть I). – Полис. Политические исследования. 2012, С. 36-44
3. N. Nojumi. The Rise of the Taliban in Afghanistan: Mass Mobilization, Civil War, and the Future of the Region. New York: Palgrave, 2002
4. https://www.gazeta.ru/politics/2021/08/17_a_13888058.shtml?updated
5. Умаров А. Афғонистон: Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги кўприкми ёки ажратувчи омил? <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/06/afghanistan/>
6. Раббимов К. Бўронов С. Воқеалар ривожини бўйича 3 сценарий бор — сиёсатшунослар Афғонистонни қутаётган воқеалар ҳақида <https://kun.uz/ru/news/2022/04/13/tri-ssenariya-kakogo-razvitiya-sobytiy-ojidayut-politologi-v-afganistane>

7. Прохоров Р.Е. Пакистано-американские отношения: современное состояние и перспективы. Россия и Америка в XXI веке. 2013-2022. Выпуск № 2 Том. 2021. // Глава МИД Пакистана сказал, что в Пакистане не будет американских солдат. 11.05.2021. URL: >>> (дата обращения: 13.05.2021).

8. A.Arni and A.Tondon (2014). The Genesis of Pakistan's "Strategic Depth" in Afghanistan. Fairobserver.

9. Retrieved from: https://www.fairobserver.com/region/central_south_asia/the-genesis-of-pakistans-strategic-depth-in-afghanistan-88910/. Accessed on: 08.11.2017.

10. C. Fair (2014). Fighting to the End: The Pakistan Army's Way of War. New York: Oxford University Press.